

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**61 Маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш тўғрисида**

Статистик ахборотларнинг ягона тизимини янада ривожлантириш, маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш ва уларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликдан бош тортишига кўмаклашадиган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маъмурий жазога тортилган шахсларнинг марказлаштирилган ҳисобини юритиш юзасидан масъул орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг марказлаштирилган электрон базасини жорий этишга доир ташкилий тадбирлар режасини тасдиқласин, унда қуйидагиларни назарда тутсин:

маълумотларнинг марказлаштирилган электрон базаси фаолияти концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

тегишли дастурий таъминотни яратиш юзасидан техник топшириқни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

маълумотларнинг марказлаштирилган электрон базасида ахборотларни тўплаш ва ишлашнинг ташкилий-функционал схемасини тасдиқлаш;

маълумотларнинг марказлаштирилган электрон базасини юритиш учун зарур бўлган келгусида уни такомиллаштириб бориш имкониятига эга дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини яратиш ва келгусида қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирларни молиялаштириш ҳажмини аниқлаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар томонидан марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини, шу жумладан муайян ҳудудда уни тажриба тестидан ўтказиш орқали босқичма-босқич жорий этиш;

маълумотларнинг марказлаштирилган электрон базасидан тўлиқ фойдаланишни бошлашни ушбу қарорда белгиланган муддатда таъминлайдиган бошқа тадбирларни амалга ошириш;

б) маълумотларнинг марказлаштирилган электрон базасини ва тажриба тестидан ўтказишни жорий этишга доир ташкилий тадбирларни амалга

ошириш яқунларига кўра, зарурат бўлганда, Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низом нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар:

маъмурий жазога тортилган шахслар ҳисобининг ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ юритилишини таъминласинлар;

икки ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини яратиш ва жорий этиш тадбирларини молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2012 йил 1 январдан бошлаб содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазога тортилган шахслар тасдиқланган Низомга мувофиқ ҳисобга олинади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар малакасини ошириш курсларини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Б.А. Матлюбов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 17 февраль,  
39-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 17 февралдаги 39-сон қарорига  
ИЛОВА

**Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга  
олиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли барча органлар (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб аталади) учун маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олишнинг ягона тартибини белгилайди.

2. Маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, ишлаш, умумлаштириш, жамлаш, сақлаш ва уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш, шунингдек уларни давлат органларига тақдим этиш ҳисобга олишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

3. Қуйидагилар ҳисобга олиш принциплари ҳисобланади:

қонунийлик;

ахборотларнинг холисоналиги, ишончлилиги ва таққосланувчанлиги;

ахборотларнинг ушбу Низомда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган доирада фойдаланилиши ва ошқоралиги; ҳисобга олишнинг мажбурийлиги ва бир хилдалиги.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**маълумотларнинг идоравий базаси** — тегишли ҳудуддаги идоравий тааллуқли ҳуқуқбузарликлар бўйича битта ваколатли орган барча бўлинмаларининг (туман, шаҳар, вилоят, республика бўғинининг) қарорлари асосида маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган маълумотларнинг идоравий электрон базаси: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича;

**маълумотларнинг ҳудудий базаси** — тегишли ҳудуддаги барча ваколатли органларнинг қарорлари асосида маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган маълумотларнинг ҳудудий электрон базаси: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича;

**маълумотларнинг ягона базаси** — республика бўйича маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган маълумотларнинг ягона марказлаштирилган электрон базаси;

**ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмаси** — вилоят (тенглаштирилган) бўғинининг (Қорақалпоғистон Республикаси) ваколатли органи бўлинмаси;

**ваколатли органнинг марказий бўлинмаси** — республика бўғинининг ваколатли органи бўлинмаси.

5. Маъмурий жазога тортилган шахсларнинг марказлаштирилган ҳисоби

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан маълумотларнинг ягона базасини шакллантириш ва юритиш орқали амалга оширилади.

Маълумотларнинг ягона, ҳудудий ва идоравий базалари чекланган ҳолда фойдаланиладиган ахборот ресурслари ҳисобланади.

Маълумотларнинг ягона базаси маълумотларнинг ҳудудий базалари асосида шакллантирилади.

6. Маълумотларнинг ҳудудий базалари маълумотларнинг идоравий базалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари (кейинги ўринларда ички ишлар бошқармалари деб аталади) шакллантирилади.

7. Маълумотларнинг идоравий базалари ҳисобга олиш ҳужжатлари асосида ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан шакллантирилади.

Қуйидагилар ҳисобга олиш ҳужжатлари ҳисобланади:

ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш № 1-АП шаклидаги карточкаси, (кейинги ўринларда № 1-АП шаклидаги карточка деб аталади);

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича маъмурий жазога тортилган (протокол тузилмасдан) шахсларни ҳисобга олиш № 2-АП шаклидаги карточкаси (кейинги ўринларда № 2-АП шаклидаги карточка деб аталади);

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро қилиш ҳақидаги билдиришнома (кейинги ўринларда билдиришнома деб аталади).

Ҳисобга олиш ҳужжатлари ва маълумотлар базалари давлат тилида юритилади.

8. Ваколатли органларнинг барча бўғинлари (туман, шаҳар, республика) ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда карточкалар ва билдиришномаларни ваколатли органнинг тегишли ҳудудий бўлинмаларига тақдим этадилар.

Маъмурий комиссиялар ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар қарорлари асосида маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Маъмурий жазони қўллаш тўғрисида уларга нисбатан қарор (ажрим) чиқарилган ёки Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖК) 283-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда жарима солинган шахслар ҳисобга олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тугатилган тақдирда карточка тўлдирилмайди, шу жумладан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддаси асосида огоҳлантириш муносабати билан.

9. Маъмурий жазони қўллаш тўғрисида қарор чиқарган мансабдор шахс карточка ва билдиришномани ушбу Низомга қатъий мувофиқ электрон форматда (кейинги ўринларда электрон карточка ва электрон билдиришнома деб

аталади) тўлдиради, сўнгра уларни белгиланган намунада бир нусхада қоғозга кўчиради (кейинги ўринларда қоғоз карточка ва қоғоз билдиришнома деб аталади) ва имзолайди.

Карточка ва билдиришномани имзолаган мансабдор шахс унинг ишончлилиги, тўлиқ тўлдирилганлиги ҳамда уларни тақдим этишнинг ушбу Низомда белгиланган тартиби ва муддатларига риоя қилинганлиги учун жавоб беради.

Карточка ва билдиришномалар ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмаларида ушбу Низомда белгиланган муддатларга мувофиқ сақланади.

Карточка ва билдиришномаларни кўчириш учун қўлланиладиган қоғоз сифатига қўйиладиган талаблар ваколатли органлар томонидан белгиланади.

10. Ҳисобга олишнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органнинг барча бўғинлари ҳар чоракда бир марта (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасигача) тақдим этилган карточка ва билдиришномаларни тегишли ҳудудий бўлинмада маълумотларнинг идоравий базаси билан солиштиради. Солиштиришни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда ваколатли органнинг марказий бўлинмаси томонидан белгиланади.

11. Ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмалари мавжуд бўлмаган тақдирда маълумотларнинг идоравий базасини шакллантириш, карточка ва билдиришномаларни сақлаш ваколатли органнинг марказий бўлинмаси томонидан амалга оширилади, ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

12. Қўйидагилар Ички ишлар вазирлигининг ҳисобга олишни таъминлаш бўйича ваколатига киради:

маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона базасини шакллантириш;

маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш, маълумотларнинг ҳудудий базаларини шакллантириш ва юритиш бўйича ички ишлар органлари фаолиятини назорат қилиш;

ички ишлар органларида маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг сақланишини ва уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишни таъминлаш;

ички ишлар органлари томонидан маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш;

13. Қўйидагилар ҳисобга олиш бўйича ваколатли органлар марказий ва ҳудудий бўлинмаларининг ваколатига киради:

маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш, маълумотларнинг идоравий базаларини шакллантириш ва юритиш, маълумотларни ички ишлар органларига бериш бўйича идоравий бўйсунувчи органлар (мансабдор шахслар) фаолиятини назорат қилиш;

маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг сақланишини ва уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишни таъминлаш.

## **II. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни ва уларни содир этган шахсларни ҳисобга олиш дафтарини расмийлаштириш, юритиш, сақлаш**

14. Ваколатли органлар томонидан Маъмурий ҳуқуқбузарликларни ва уларни содир этган шахсларни ҳисобга олиш дафтари (кейинги ўринларда Дафтар деб аталади) ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ юритилади.

Дафтарга барча маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ёзилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилган тақдирда Дафтарнинг 6-устунида тегишли ёзув қайд этилади.

15. Дафтар календарь йил бошидан эътиборан юритилади. У тартиб рақами қўйилган ва ип ўтказиб боғланган бўлиши керак. Охирги саҳифасида ипнинг боғланган жойига қоғоз елимланади, унга ваколатли орган муҳри туширилади ва унда мазкур орган раҳбари тасдиқлаган ишонч ёзуви бўлади.

16. Дафтардаги барча ёзувлар аниқ ҳолда, кўк ёки қора рангли сиёҳлар (паста) билан қайд этилади. Унда ўчириб ёзишга, тузатишга ёки илгари қайд этилган ёзувларни тузатиш воситалари ёрдамида йўқотишга йўл қўйилмайди.

Зарур ҳолатларда, хато билан қайд этилган ёзувлар илгари қайд этилган матнни аниқ ўқиш мумкин бўлган ҳолда ўчирилади. Янги ёзув айнан шу устунда қайд этилади. Бу ҳолда Дафтарнинг юритилиши учун масъул бўлган мансабдор шахс тузатишни сана кўрсатилган ҳолдаги имзоси билан тасдиқлайди.

17. Дафтар 3 йил сақланади, сўнгра далолатномага мувофиқ йўқ қилинади.

18. Дафтарнинг сақланиши, ундаги маълумотларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли ҳолда қайд этилганлиги учун жавобгарлик ҳисобга олиш-рўйхатдан ўтказиш бўлимлари бошлиқлари, улар бўлмаганда эса — ваколатли органнинг раҳбари зиммасига юкланади.

## **III. Ҳисобга олиш ҳужжатларини тузиш ва ишлаш**

### **1-§. Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш карточкалари, № 1-АП ва № 2-АП шакллари**

19. Ваколатли органларнинг барча бўғинлари (туман, шаҳар, республика бўғинининг) № 1-АП ва № 2-АП шаклларидаги электрон карточкаларни қарор чиқарилгандан кейин бир сутка мобайнида маълумотларнинг идоравий базасига киритадилар.

Қоғоз карточкалар ҳар ўн кунда — ҳар қайси ойнинг 10, 20 ва 30-санасида ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмасига юборилади. Агар кўрсатиб ўтилган саналар ишланмайдиган кунга (дам олиш, байрам кунларига) тўғри

келса карточкалар ишланмайдиган кундан кейинги биринчи кунда жўнатилади.

20. Маъмурий комиссиялар ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар карточкаларни ушбу Низомнинг 19-бандига мувофиқ туман (шаҳар бўғини) ички ишлар органларига юборадилар.

21. Агар карточкаларнинг ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда тўлдирилганлиги аниқланса улар дарҳол ваколатли орган томонидан тузатилади. Тузатилган электрон карточкалар қоғоз карточкаларга мажбурий алмаштирилган ҳолда ушбу Низомнинг 19-бандига мувофиқ маълумотларнинг идоравий базасига киритилади.

22. Ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳар куни, янги маълумотлар бўлмаган тақдирда эса — уларнинг идоравий базага тушишига кўра электрон карточкаларни маълумотларнинг ҳудудий базасига жўнатади.

Ваколатли органда ҳудудий бўлинмалар бўлмаган тақдирда электрон карточкаларни маълумотларнинг ҳудудий базасига жўнатиш ваколатли органнинг марказий бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

23. Ички ишлар бошқармалари ҳар куни электрон карточкаларни маълумотларнинг ягона базасига жўнатади.

24. Маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар жазони ижро этиш тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида сақланади. Сақлаш муддати тугагач электрон карточкалар маълумотлар базасидан чиқарилади, карточкалари чиқарилган шахслар тўғрисидаги қисқача маълумотлардан иборат бўлган ҳисобот ёзилади. Айни бир вақтда қоғоз карточкалар ва билдиришномалар далолатнома бўйича, йўқ қилинган ҳисобга олиш ҳужжатларининг умумий сони кўрсатилган ва ҳисоботга асосланган ҳолда йўқ қилинади. Йўқ қилинганлик тўғрисидаги ҳисоботлар ва далолатномалар 3 йил сақланади.

25. № 2-АП шаклидаги карточка Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 283-моддасига мувофиқ, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда жарима солинган тақдирда тузилади.

## **2-§. № 1-АП шаклидаги карточка таркиби ва уни тўлдириш тартиби**

26. № 1-АП шаклидаги электрон карточкани тўлдириш «Маъмурий жазога тортилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси» реквизитлари билан бошланади.

27. 1 ва 3-сатрларда ҳуқуқбузарликни аниқлаган (протокол тузган, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғаган), шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни/протоколни кўриб чиққан ва қарор чиқарган ваколатли органнинг (мансабдор шахснинг) номи кўрсатилади, ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ уларнинг коди қайд этилади.

Агар маъмурий ҳуқуқбузарликни аниқлаган (протокол тузган, ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғаган), шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғри-

сидаги ишни/протоколни кўриб чиққан ва қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) айнан битта орган бўлса 3-сатр тўлдирилмайди.

28. «Хуқуқбузарлик содир этилган жой» деб номланган 2-сатрда аҳоли пункти, туман, шаҳар, вилоят (республика) номи кўрсатилади, минтақа коди қайд этилади (ушбу Низомга 6-илова).

29. 4-сатрда ваколатли орган Дафтари бўйича ишнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ёки маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги протоколнинг тартиб рақами ва унинг қўзғалган/тузилган санаси кўрсатилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 272-моддасига ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 86-моддаси учинчи қисмига мувофиқ маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида протокол тузилмаган бўлса, у ҳолда «иш/протокол/тартиб рақами» устунига П/Т («протокол тузилмаган» сўзлари) ёзилади.

30. 5-сатрда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан ва қарор чиқарган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, 6-сатрда иш кўриб чиқилган сана, 7-сатрда — карточкага тузатиш киритилган сана, 7.1-сатрда тузатиш киритиш сабаби: «1» — тўлдиришдаги хато; «2» — қарор қайта кўриб чиқилган сўзлари қайд этилади.

31. 8-сатрда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормалари бўйича хуқуқбузарликнинг квалификацияси кўрсатилади.

8.1-сатрда маъмурий хуқуқбузарлик содир этилган (аниқланган) сана акс этирилади.

32. 9-сатрда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23 ва 24-моддаларига мувофиқ маъмурий жазо чоралари акс этирилади.

9.1-сатрида қуйидаги кодларни қўйиш йўли билан асосий жазо чоралари кўрсатилади:

«1» — жарима;

«2» — маъмурий хуқуқбузарликни содир этиш учун қурол ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган предметни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

«3» — маъмурий хуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки шундай нарса бўлган предметни мусодара қилиш;

«4» — мазкур шахсга берилган махсус хуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш хуқуқидан, ов қилиш хуқуқидан) маҳрум қилиш;

«5» — маъмурий қамоққа олиш.

9.2-сатрда жазони ижро этиш тугаган сана кўрсатилади.

Агар қўшимча жазо сифатида предметларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш қўлланса, у ҳолда унга мувофиқ бўлган код 9.3-сатрига қўйилади. 9.4-сатрда «6»-кодни қўйиш йўли билан хорижий фуқароларни ёки фуқаролиги йўқ шахсларни мамлакатдан маъмурий тартибда чиқариб юбориш кўрсатилади.

33. 10.1 ва 10.2-сатрларда ёзилган ва ундирилган жарима миқдори сўмларда, 11.1 ва 11.2-сатрларда тегишли равишда ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйилган ва мусодара қилинган предмет қийматлари кўрсатилади.



34. 12-сатрда маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс тўғрисидаги маълумотлар — фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлади:

12.1 ва 12.2-сатрларда — ҳуқуқбузарнинг туғилган санаси, ойи, йили ва яшаш жойи (қисқартирмасдан);

12.3-сатрда шахсини тасдиқловчи ҳужжат: «1» — паспорт, «2» — яшаш гувоҳномаси, «3» — фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси, «4» — ҳайдовчилик гувоҳномаси, «5» — ҳарбий гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи гувоҳнома;

12.4-сатрда — солиқ тўловчининг идентификациялаш тартиб рақами;

12.5-сатрда — ҳуқуқбузарнинг жинси: «1» — эр, «2» — аёл;

12.6-сатрда — ҳуқуқбузарнинг фуқаролиги: «1» — Ўзбекистон Республикаси фуқароси, «2» — хорижий фуқаро, «3» — фуқаролиги бўлмаган шахс;

12.7-сатрда — машғулотларининг тури: «1» — ўқиш, «2» — иш, «3» — машғулотининг тури ноаниқ, шунингдек ўқиш, иш жойи ва лавозими;

12.8-сатрда — ҳуқуқбузарликни содир этиш вақтидаги ҳолати: «1» — алкоғолли, «2» — гиёҳвандлик, «3» — бошқача ҳолатдаги мастлик.

35. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан шикоят ёки протест билдириш 13-сатрда акс эттирилади. Қуйидаги кўриб чиқиш натижалари 13.1-сатрда кўрсатилади:

«1» — қарор ўзгаришсиз қолдирилган;

«2» — иш янгидан кўриб чиқишга жўнатилган;

«3» — ишни кўриб чиқиш тугатилган;

«4» — жазо чораси ўзгартирилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тугатилган тақдирда карточка маълумотлар базасидан чиқарилади.

Жазо чоралари ўзгартирилганда ёки ишни янгидан кўриб чиқиш натижалари бўйича бошқача қарор чиқарилганда карточкага ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган тартибга риоя қилинган ҳолда, якуний қарор қабул қилган орган томонидан тузатиш киритилади. Бунда 13-сатрда иш юзасидан шикоят ёки протест билдирилганлиги тўғрисида ёзув қайд этилади.

36. 14-сатрда карточка тўлдирилган сана кўрсатилади ва ишни кўриб чиққан шахснинг имзоси қўйилади.

37. Ушбу Низомнинг 26-36-бандлари қодалари № 2-АП шаклидаги карточкани тегишли реквизитлар бўйича тўлдиришда қўлланади.

### **3-§. Маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш ҳақидаги билдиришнома**

38. Ҳуқуқбузардан ёки қарорни ижро этиш зиммасига юкланган мансабдор шахсдан маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни (ажримни) ижро этиш ҳақидаги тасдиқловчи ҳужжатлар (квитанция, тўланганлик тўғрисидаги тўлов топшириқномаси, ижро этиш тугаганлиги тўғрисидаги қарор ва бошқалар) олинган тақдирда ваколатли орган ушбу Низомнинг 19-бандида назарда тутилган тартибда билдиришнома жўнатади.

Ваколатли орган томонидан жарима суммаси, уни № 1-АП шаклидаги карточканинг 10.2-сатрида кўрсатган ҳолда тўлиқ ундирилган тақдирда билдиришнома жўнатишмайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 283-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда жарима солинган тақдирда ҳам билдиришнома тузилмайди.

39. Электрон билдиришномани маълумотларнинг ҳудудий ва ягона базасига жўнатиш ушбу Низомнинг 22 ва 23-бандларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

40. Маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни мажбурий ижро этишни амалга оширувчи орган ҳуқуқбузардан маъмурий жазога тортиш тўғрисидаги қарор (ажрим)нинг ижро этилганлиги ҳақидаги тасдиқловчи ҳужжатлар (квитанция, тўлов тўғрисидаги тўлов топшириқномаси ва бошқалар) олинган тақдирда, амалга оширилган ундириш тўғрисидаги ёзувни қайд этган ҳолда, 3 иш кўни мобайнида уларни маъмурий жазога тортиш тўғрисида қарор қабул қилган органга (мансабдор шахсга) қайтаради.

#### **IV. Маълумотларнинг ягона базасига мурожаат қилиш тартиби**

41. Шахсни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортишда, шунингдек Жиноят кодекси моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортишда шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилганлигини текшириш тўғрисидаги талабнома жўнатилиши шарт (ушбу Низомга 7-илова).

42. Талабнома текшириляётган ҳар бир шахс учун алоҳида расмийлаштирилади.

Талабнома ушбу Низомга аниқ мувофиқ ҳолда тўлдирилади, ваколатли мансабдор шахс томонидан имзоланади ва ваколатли орган муҳри (штампи) билан тасдиқланади.

Электрон алоқа мавжуд бўлган тақдирда талабнома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланадиган автоматлаштирилган электрон форматда бажарилади.

Сўровсиз режимда зарур ахборот олиш учун ваколатли органнинг марказий бўлинмасида маълумотларнинг ягона базасидан электрон тартибида узоқдан туриб фойдаланишга йўл қўйилади.

43. Талабномани расмийлаштиришда текшириляётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ҳамда яшаш жойи бош келишқда, қисқартиришларсиз кўрсатилади.

44. Ушбу Низомни бузган ҳолда расмийлаштирилган талабнома ижро этилмасдан қайтарилади, бу ҳақда талабномада тегишли ёзув қайд этилади.

45. Талабнома у Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига тушган вақтдан бошлаб бир сутка мобайнида ижро этилади ва сўровномани юборган органга почта орқали жўнатилади ёки шахсан тақдим этилади.

46. Маълумотлар базасида текшириляётган шахсга оид маълумот бўлмаса,

талабноманинг орқа томонига «Маълумотларга эга эмасмиз», «Маълумотнома ЎзИИВ ходими (фамилияси, исми) томонидан берилди» матни билан штамп қўйилади ва текшириш санаси кўрсатилади.

Ҳисобга олиш ҳужжатида текшириляётган шахсга доир маълумотлар топилганда улар талабноманинг орқа томонида кўрсатилади ва «Маълумотнома ЎзИИВ ходими (фамилияси, исми) томонидан берилди» матни ёзилиб, штамп билан тасдиқланади ва текшириш санаси қайд этилади.

У ёки бу шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида ахборот талаб қилган давлат органлари олинган ахборотни ошкор қилганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Маъмурий жазога тортилган шахсларни  
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### Маъмурий жазоланган шахсларни ҳисобга олиш КАРТЧКАСИ

№ 1-АП шакли

1. _____ (протокол тузган, иш қўзгаган органнинг номи)	1. / / / /
2. _____ (ҳуқуқбузарлик содир этилган жой)	2. / / / / / /
3. _____ (ишни/протоколни кўриб чиққан ваколатли орган)	3. / / / / /
4. _____ (Дафтар бўйича ишнинг рўйхатдан ўтказиш/протокол тартиб рақами)	4. / / / / / / / / / / / / / / / /
4.1. Протокол тузилган/иш қўзгатилган сана: _____ йил « _____ » _____	/ / / / / / / /
5. _____ (ишни кўриб чиққан шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)	
6. Иш кўриб чиқилган сана: _____ йил « _____ » _____	
7. Карточкага тузатиш киритилган сана: _____ йил « _____ » _____	
7.1. Тузатиш киритиш сабаблари: «1» — тўлдиришдаги хато; «2» — қарорни қайта кўриб чиқиш	7.1. / /
8. Ҳуқуқбузарлиқнинг квалификацияси: МЖК _____ қисми _____ -моддаси	
8.1. Ҳуқуқбузарлик содир этилган (аниқланган сана): _____ йил « _____ » _____	
9. Маъмурий жазо чоралари (МЖКнинг 23, 24-моддалари):	
9.1. асосийлари: «1» — жарима; «2» — предметни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш; «3» — предметни мусодара қилиш; «4» — махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш; «5» — маъмурий қамоққа олиш.	9.1. / /
9.2. муддати: _____ йил « _____ » _____ гача	
9.3. қўшимча равишда: «2» — предметни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш; «3» — предметни мусодара қилиш;	9.3. / /
9.4. хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакатдан маъмурий чиқариб юбориш — «б».	9.4. / /
10. Жарима миқдори:	
10.1. қўлланилгани: _____ сўм;	
10.2. ундирилгани: _____ сўм.	

11. Предметнинг қймати: 11.1. ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйилганини: ___ сўм; 11.2. мусодара қилинганини: _____ сўм.	
12. _____ _____ (хуқуқбузарликни содир этган шахснинг Ф.И.О.) 12.1. Туғилган санаси: _____ йил «__» _____ 12.2. _____ _____ (хуқуқбузарликни содир этган шахснинг яшаш жойи)	
12.3. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат: «1» — паспорт, «2» — яшаш гувоҳномаси, «3» — фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси, «4» — ҳайдовчилик гувоҳномаси, «5» — ҳарбий гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳномаси № _____ йил «__» _____ да берилган _____ (ким томондан берилган)	12.3. /_/_
12.4. Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами: _____	
12.5. Хуқуқбузарнинг жинси : «1» — эр; «2» — аёл.	12.5. /_/_
12.6. Фуқаролиги: «1» — Ўзбекистон фуқароси; «2» — хорижий фуқаро; «3» — фуқаролиги бўлмаган шахс.	12.6. /_/_
12.7. Машгулотларининг тури: «1» — ўқиш; «2» — иш; «3» — машгулотларининг тури ноаниқ. Ўқиш, иш жойи, лавозими: _____	12.7. /_/_
12.8. Мастлик ҳолатидалиги: «1» — алкоғолли; «2» — гиёҳвандлик; «3» — бошқача мастлик.	12.8. /_/_
13. Қарор: «1» — шикоят билдирилган; «2» — протест билдирилган.	13. /_/_
13.1. Шикоят ёки протестни кўриб чиқиш натижаси: «1» — қарор ўзгаришсиз қолдирилган; «2» — иш янгидан кўриб чиқиш учун жўнатилган; «3» — ишни кўриб чиқиш тугатилган; «4» — жазо чораси ўзгартирилган.	13.1. /_/_
14. _____ йил «__» _____ (иш кўриб чиқилган сана ва кўриб чиққан шахснинг имзоси)	

Маъмурий жазога тортилган шахсларни  
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Маъмурий жазоланган шахсларни ҳисобга олиш  
КАРТОЧКАСИ  
(протокол тузилмасдан)**

№ 2-АП шакли

1. _____ (ишни кўриб чиққан органнинг номи)	1. /_/_/_/_
2. _____ (хуқуқбузарлик содир этилган жой)	2. /_/_/_/_/_
3. _____ (Дафтар бўйича ишнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами)	3. /_/_/_/_/_ /_/_/_/_/_ /_/_/_/_/_

4. _____ (ишни кўриб чиққан шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)	
5. Иш кўриб чиқилган сана: _____ йил « _____ » _____	
6. Карточкага тузатиш киритилган сана: _____ йил « _____ » _____	
6.1. Тузатиш киритиш сабаблари: «1» — тўлдиришдаги хато.	6.1. / /
7. Хуқуқбузарликнинг квалификацияси: МЖК _____ қисми _____-моддаси	
7.1. Хуқуқбузарлик содир этилган (аниқланган сана): _____ йил « _____ » _____	
8. Маъмурий жазо чоралари (МЖКнинг 23-моддаси):	
8.1. асосийлари: «1» — жарима	8.1. / /
9. Жарима миқдори _____ сўм.	
10. _____ (хуқуқбузарликни содир этган шахснинг Ф.И.О.)	
10.1. Туғилган санаси: _____ йил « _____ » _____	
11. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат: «1» — паспорт, «2» — яшаш гувоҳномаси, «3» — фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси, «4» — ҳайдовчилик гувоҳномаси, «5» — ҳарбий гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳномаси № _____ йил « _____ » _____ да берилган _____ (ким томонидан берилган)	11. / /
12. _____ йил « _____ » _____ (иш кўриб чиқилган сана ва кўриб чиққан шахснинг имзоси)	

Маъмурий жазога тортилган шахсларни  
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги  
қарорни ижро этиш ҳақида  
БИЛДИРИШНОМА**

(билдиришнома юборган органнинг номи)

Фамилияси \_\_\_\_\_

Исми \_\_\_\_\_

Отасининг исми \_\_\_\_\_

Туғилган санаси \_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Яшаш жойи \_\_\_\_\_

(қискартиришларсиз)

Иш/протоколнинг тартиб рақами: 2 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
(керагининг остига чизилсин) (тузилган санаси)

Ҳуқуқбузарлик квалификацияси: МЖК (\_\_\_\_)\_\_\_\_ қисми, \_\_\_\_-моддаси  
(остига чизилсин ёки бошқа ҳужжат номи кўрсатилсин)

Қўлланилган жарима суммаси: \_\_\_\_\_ сўм.

Ундирилган жарима суммаси: \_\_\_\_\_ сўм.

Тўланган сана: 2\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйилган/мусодара қилинган сана:

2\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(масъул мансабдор шахснинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_  
(имзоси)

Сана: 2\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Маъмурий жазога тортилган шахсларни  
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

(ваколатли органнинг номи)

### Маъмурий ҳуқуқбузарликларни ва уларни содир этган шахсларни ҳисобга олиш ДАФТАРИ

Бошланган: 20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ дан

Тугаган: 20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ да

#### Дафтар реқвизитлари

Т/р	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган сана, протоколни тузган, ишни қўзғаш тўғрисида қарор, ажрим чиқарган орган (мансабдор шахс)	Ҳуқуқбузарликни содир этган шахс тўғрисидаги маълумотлар: фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги, яшаш жойи, манзили, иш жойи ва лавозими, паспорти маълумотлари	Олиб қўйилган буюмлар, ҳужжатлар, ушланган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқарилган сана, қарор чиқарган ваколатли орган
1	2	3	4	5

#### жадвалнинг давоми

Ҳуқуқбузарликнинг МЖК ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат нормалари (модда, қисм, банд) бўйича квалификацияси, ундириш тури ва миқдори	Олиб қўйилган буюмлар, ҳужжатлар, ушланган транспорт воситаларига нисбатан қабул қилинган қарор (шу жумладан қайтарилган санаси, ҳужжатнинг тури ва тартиб рақами)	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича юқори орган (суд) томонидан чиқарилган қарор	Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг кучга кириш санаси, уни ижро этиш тўғрисидаги маълумотлар, жазонинг ижроси тугаган сана	№ 1-АП шакли карточкани киритган мансабдор шахс
6	7	8	9	10

Маъмурий жазога тортилган шахсларни  
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

**Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни/протоколни  
кўриб чиқишга (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги  
протоколни тузишга, иш қўзғашга) ваколатли органлар  
КЛАССИФИКАТОРИ**

Код	Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга (иш бўйича кўриб чиқишни қўзғашга) ваколатли органлар
010	Маъмурий ишлар бўйича судьялар
020	Хўжалик судлари
030	Адлия органлари
040	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий таъминлаш департаменти органлари
050	Маъмурий комиссиялар
060	Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар
070	Ички ишлар органлари (милиция)
071	Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси
072	Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси
073	Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси
074	Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси
075	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси
076	«Қўриқлаш» республика бирлашмаси
080	Темир йўл транспорти ва метрополитен органлари
090	Ҳаво транспорти органлари
100	Сув транспорти органлари
110	Кичик ҳажмли кемалар бўйича давлат инспекцияси органлари
120	Шаҳар ҳамда шаҳарлараро автомобиль транспорти ва электротранспортда йўловчилар ташиш органлари
130	Меҳнат бўйича давлат ҳуқуқ ва техника инспекторлари
140	Мудофаа вазирлиги органлари
150	Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария назорати органлари
160	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматлари
170	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматлари
180	Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматлари
190	Давлат ветеринария назорати органлари
200	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер ости бойликларини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари
210	Табиатни муҳофаза қилиш органлари
220	Божхона органлари



Код	Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга (иш бўйича кўриб чиқишни қўзғашга) ваколатли органлар
230	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг давлат инспекцияси органлари
240	Давлат солиқ органлари
250	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг маҳаллий бўлинмалари
260	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси органлари
270	Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органлари
280	Қишлоқ хўжалигида машина ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси («Бошдавтехназорат» инспекцияси) органлари
290	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари
300	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органлари
310	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаштириш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази органлари
320	Давлат статистика органлари
330	Давлат пробир назорати органлари
340	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси органлари
350	Архитектура ва қурилиш органлари
360	Прокурор

Маъмурий жазога тортилган шахсларни  
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

**Минтақалар, туманлар (шаҳарлар)  
КОДЛАРИ**

<b>Андижон вилояти</b>	<b>03000</b>	Фориш тумани	08235
Андижон тумани	03201	Жиззах шаҳри	08401
Булоқбоши тумани	03202	<b>Қашқадарё вилояти</b>	<b>10000</b>
Балиқчи тумани	03206	Ғузур тумани	10207
Бўз тумани	03209	Шаҳрисабз тумани	10208
Жалолқудуқ тумани	03211	Деҳқонобод тумани	10212
Избоскан тумани	03214	Қамаши тумани	10220
Улуғнор тумани	03216	Қарши тумани	10224
Кўргонтепа тумани	03220	Муборак тумани	10226
Олтинқўл тумани	03223	Косон тумани	10229
Марҳамат тумани	03227	Китоб тумани	10232
Шаҳрихон тумани	03230	Нишон тумани	10235
Пахтаобод тумани	03232	Касби тумани	10237
Асака тумани	03234	Миришкор тумани	10239
Хўжаобод тумани	03236	Чироқчи тумани	10242
Андижон шаҳри	03401	Яккабоғ тумани	10250
Хонобод шаҳри	03408	Қарши шаҳри	10401
<b>Бухоро вилояти</b>	<b>06000</b>	<b>Навоий вилояти</b>	<b>12000</b>
Бухоро шаҳри	06212	Конимех тумани	12204
Олот тумани	06215	Қизилтепа тумани	12208
Бухоро тумани	06218	Кармана тумани	12214
Вобкент тумани	06221	Навбаҳор тумани	12215
Ғиждувон тумани	06224	Нурота тумани	12218
Қорақўл тумани	06230	Томди тумани	12221
Қоровулбозор тумани	06232	Хатирчи тумани	12224
Пешку тумани	06234	Навоий шаҳри	12401
Ромитан тумани	06238	Зарафшан шаҳри	12404
Жондор тумани	06242	Учқудуқ тумани	12406
Шофиркон тумани	06246	<b>Наманган вилояти</b>	<b>14000</b>
Когон тумани	06400	Мингбулоқ тумани	14204
Когон шаҳри	06401	Косонсой тумани	14207
<b>Жиззах вилояти</b>	<b>08000</b>	Наманган тумани	14212
Арнасой тумани	08201	Чортоқ тумани	14215
Бахмал тумани	08204	Норин тумани	14216
Ғаллаорол тумани	08209	Поп тумани	14219
Жиззах тумани	08212	Тўрақўрғон тумани	14224
Дўстлик тумани	08215	Уйчи тумани	14229
Зомин тумани	08218	Учқўрғон тумани	14234
Зарбдор тумани	08220	Янгикўрғон тумани	14242
Янгиобод тумани	08221	Наманган шаҳри	14401
Мирзачўл тумани	08223	Чуст тумани	14405
Зафаробод тумани	08225	<b>Самарқанд вилояти</b>	<b>18000</b>
Пахтакор тумани	08228	Оқдарё тумани	18203
		Булунғур тумани	18206

Жомбой тумани	18209
Иштихон тумани	18212
Каттакўрғон тумани	18215
Нарпай тумани	18218
Кўшрабод тумани	18221
Пайариқ тумани	18224
Пастдарғом тумани	18227
Пахтачи тумани	18230
Самарқанд тумани	18233
Нуробод тумани	18235
Ургут тумани	18236
Тойлоқ тумани	18253
Самарқанд шаҳри	18360
Каттакўрғон шаҳри	18405
<b>Сурхондарё вилояти</b>	<b>22000</b>
Бойсун тумани	22204
Музработ тумани	22207
Денов тумани	22209
Жарқўрғон тумани	22212
Қизириқ тумани	22215
Сариосиё тумани	22217
Термиз тумани	22220
Шеробод тумани	22223
Шўрчи тумани	22224
Қумқўрғон тумани	22226
Ангор тумани	22229
Олтинсой тумани	22232
Узун тумани	22233
Термиз шаҳри	22401
<b>Сирдарё вилояти</b>	<b>24000</b>
Оқолтин тумани	24206
Боёвут тумани	24212
Сайхунобод тумани	24216
Гулистон тумани	24220
Сардоба тумани	24226
Мирзаобод тумани	24235
Ховос тумани	24255
Гулистон шаҳри	24401
Сирдарё тумани	24407
Ширин шаҳри	24410
Янгиер шаҳри	24413
<b>Тошкент шаҳри</b>	<b>26000</b>
Учтепа тумани	26263
Бектемир тумани	26264
Юнусобод тумани	26266
Миробод тумани	26273
Шайхонтохур тумани	26277
Олмазор тумани	26280
Сирғали тумани	26283

Яккасарой тумани	26287
Ҳамза тумани	26290
Чилонзор тумани	26294
М. Улуғбек тумани	26296
<b>Тошкент вилояти</b>	<b>27000</b>
Оққўрғон тумани	27206
Оҳангарон тумани	27212
Бекобод тумани	27220
Бўстонлиқ тумани	27224
Бўка тумани	27228
Юқори Чирчиқ тумани	27232
Зангиота тумани	27237
Куйи Чирчиқ тумани	27242
Паркент тумани	27246
Қибрай тумани	27248
Пискент тумани	27250
Ўрта Чирчиқ тумани	27253
Чиноз тумани	27256
Янгийўл тумани	27259
Олмалиқ шаҳри	27404
Ангрен шаҳри	27407
Бекобод шаҳри	27413
Чирчиқ шаҳри	27419
<b>Фарғона вилояти</b>	<b>30000</b>
Олтиариқ тумани	30203
Қўштепа тумани	30206
Боғдод тумани	30209
Бувайда тумани	30212
Бешариқ тумани	30215
Қува тумани	30221
Учкўприк тумани	30221
Риштон тумани	30224
Тошлоқ тумани	30227
Ўзбекистон тумани	30230
Фарғона тумани	30233
Данғара тумани	30236
Ёзъёвон тумани	30241
Сўх тумани	30243
Фурқат тумани	30245
Фарғона шаҳри	30401
Қўқон шаҳри	30405
Қувасой шаҳри	30408
Марғилон шаҳри	30412
<b>Хоразм вилояти</b>	<b>33000</b>
Боғот тумани	33204
Гурлан тумани	33208
Қўшкўпир тумани	33212
Урганч тумани	33217
Ҳазорасп тумани	33220
Хонқа тумани	33223

Янгибозор тумани	33225
Шовот тумани	33230
Янгиариқ тумани	33233
Урганч шаҳри	33401
Хива тумани	33408
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>35000</b>
Амударё тумани	35041
Қораўзак тумани	35208
Элликқалъа тумани	35210
Кегейли тумани	35212
Қонликўл тумани	35218
Мўйноқ тумани	35222
Нукус тумани	35225
Тахтақўпир тумани	35230
Тўрткўл тумани	35233
Чимбой тумани	35240
Шуманай тумани	35243
Нукус шаҳри	35401
Беруний тумани	35405
Кўнғирот тумани	35409
Тахиатош шаҳри	35411
Хўжайли тумани	35416
Транспортдаги ички ишлар бошқармаси	41000
Тошкент-шимол станциясидаги ички ишлар тармоқ бошқармаси (ИИТБ)	41101
Андижон станциясидаги ИИТБ	41103
Самарқанд станциясидаги ИИТБ	41104
Кўқон станциясидаги ИИТБ	41105
Ховос станциясидаги ИИТБ	41106
Бухоро станциясидаги ИИТБ	41107
Қарши станциясидаги ИИТБ	41208
Урганч станциясидаги ИИТБ	41209
Марғилон станциясидаги ИИТБ	41210
Кўнғрот станциясидаги ИИТБ	41211
Хўжайли станциясидаги ИИТБ	41212
Термиз станциясидаги ИИТБ	41215
Тошкент-жанубий станциясидаги ИИТБ	41216
Тошкент-аэропорт ИИТБ	41317
Нукус аэропортининг милиция тармоқ бўлими	41418
Урганч шаҳри аэропортининг милиция тармоқ бўлими	41421
Наманган шаҳри аэропортининг милиция тармоқ бўлими	41422

Маъмурий жазога тортилган шахсларни  
хисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
7-ИЛОВА

**Шахсларнинг маъмурий жавобгарликка  
тортилишини текшириш тўғрисида  
ТАЛАБНОМА**

№ \_\_\_\_\_ 2 \_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

олинсин: почта орқали/ ИИВда  
(керагининг остига чизилсин)

1. Фамилияси: \_\_\_\_\_

2. Исми: \_\_\_\_\_

3. Отасининг исми: \_\_\_\_\_

4. Туғилган санаси: \_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

5. Яшаш жойи: \_\_\_\_\_

6. Текширишнинг асоси: \_\_\_\_\_

7. Давлат органи раҳбари: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О, имзо)

8. Бажарувчи \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., лавозими)

9. Жўнатувчининг манзили: индекси / \_\_\_/ \_\_\_/ \_\_\_/ \_\_\_/ \_\_\_/ \_\_\_/

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ шаҳри

\_\_\_\_\_ тумани \_\_\_\_\_ қишлоғи

\_\_\_\_\_ кўчаси \_\_\_\_\_ -уй

Давлат органи \_\_\_\_\_

(тўлик номи, қисқартиришларсиз)

«М.Ў.»

(талабномани жўнатган орган муҳрининг ўрни)